# ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ НАФАСИ!

2009 ЙИЛ, 19 МАРТ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 55 (11.366) Баҳоси эркин нархда

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг «Ўзбекистон Республикасида парламент тараққиёти» мавзуига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

**● Хоразм вилоятида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг «Таълим тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ нормаларининг Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига татбиқ этилиши» мавзуидаги семинари ўтказилди. Анжуманда таълим соҳасидаги халқаро меъёрлар ва талабларнинг миллий қонунчилигимизга уйғунлаштирилиши бугунги кунда таълим соҳасини янада юксалтиришда катта аҳамиятга эга бўлаётганлиги қайд этиб ўтилди.**

**● Президентимизнинг 2009 йил 13 февралда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон ХДП ташкилотлари депутатлик бирлашмаларининг иштирокини таъминлаш масалалари партия Марказий Кенгаши ҳузуридаги сиёсий семинарнинг навбатдаги машғулотида муҳокама этилди.**

**● Жиззах шаҳридаги «Ўрда» ёшлар экологик боғида «Ассалом, Наврўз!» фестивали бўлиб ўтди. Унда Жиззах шаҳри ва барча туманлардан келган фольклор-этнографик дасталар, миллий ўйинлар усталари, фуқаролар йиғинлари вакиллари, мактабгача таълим муассасалари ҳамда мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирок этди.**

**● Муборак Наврўз айёми арафасида сурхондарёлик 50 нафар меҳнат фахрийларининг Тошкент ва Самарқанд шаҳарларига бепул саёҳати уюштирилди.**

**● Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Немис-ўзбек учрашувлари» шиори остида концерт дастури ташкил этилди.**

**● 2009-2011 йилларга мўлжалланган амалий тадқиқотларнинг илмий-техник дастурлари ва 2009-2010 йилларга мўлжалланган инновация ишланмалари бўйича ташкил этилган танловларнинг ғолиблари аниқланди.**

**● Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқитувчилар жамоаси ўқувчилар ҳамда ота-оналар ҳамкорлигида республика болалар асаб касалликлари шифохонасида «Истеъдодли ёшларнинг Наврўз туҳфаси» хайрия тадбирини уюштирди.**

### ЖАҲОНДА

**● Озарбойжон Марказий сайлов комиссиясининг дастлабки маълумотларига кўра, мамлакатда ўтказилган референдумда кўпчилик фуқаролар президентнинг икки муддатдан ортиқча сайланиши бўйича чекловларни олиб ташлашни қўллаган ҳолда овоз берганлар.**

**● Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай 2009 йилнинг 20 августида ўтказилиши белгиланган президент сайловларида қайта сайланиш учун ўз номзодини қўйишини маълум қилди.**

**● Литва ҳукумати 2009 йилги бюджет харажатларини қисқартиришни амалга оширишни кўзда тутмоқда. Бунинг учун маъмурлар жумладан, бюджет соҳаси ходимларининг маошларини қисқартирмоқчилар.**

**● Мадагаскар мамлакати бошқарувини қўлга олиб ўзини президент деб эълон қилган мухолифат етакчиси, пойтахт Антананариву шаҳрининг собиқ мэри Андри Ражуелина икки йил ичида президент сайловларини ўтказишга ваъда берди.**

**● АҚШ маъмурлари Мексиканинг юк машиналари мамлакат ҳудудига маҳсулотларни етказиб бериши тўғрисидаги дастурни маъқулламаганидан сўнг Мексика Америка товарларини киритишдаги божларни оширди. Мутахассислар ушбу вазиятни Мексика ва Американинг янги маъмурияти ўртасидаги савдо уруши сифатида талқин қилмоқдалар.**

**● Кечадан бошлаб Коми Республикасининг Печора шаҳридаги барча мактаблар менингит хасталиги эпидемияси муносабати билан ёпилди.**

**● Японияниг Toshiba корпорацияси директори Атцусоти Нисида истеъфога чиқди. Унинг ишдан бўшашига сўнгги пайтларда иқтисодий зарар миқдорининг кескин ошиб кетганлиги сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Жумладан, корпорация ўтган йилни 208 миллиард АҚШ доллари миқдорида зиён билан якунлади.**

**● Кеча жаҳон биржаларида ўтказилган навбатдаги савдоларда нефт нархининг бироз ошганлиги кузатилди. Жумладан, Лондондаги биржада бир баррел нефтнинг нархи 47,66 доллар миқдорида қайд этилган бўлса, Нью-Йоркда ушбу кўрсаткич 48,14 долларни ташкил этди.**

**● Бугун Германияда тажовузкор жиноятчи Йозеф Фритцелга нисбатан суд ҳукми чиқарилади. Агарда унинг айблари исботланадиган бўлса, 50 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университетида талабалар ўртасида ташкил этилган кўрик-танлов «Наврўз анъаналари» деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** Молия институтида ёшларнинг суғурта тизими соҳасидаги билимини мустаҳкамлаш мақсадида энг яхши магистрлик диссертацияси бўйича талабалар ўртасида танлов эълон қилинди.

● **РЕСПУБЛИКА** транспорт прокуратурасида одам савдосига қарши курашиш масалаларига бағишлаб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари иштирокида ўтказилган тадбир доирасида қатнашганларга одам савдосининг аянчли оқибатлари ҳақида ҳикоя қилувчи фильм намойиш этилди.

● **«ЁШЛИК»** талабалар шаҳарчасида 15 мартдан бошланган Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги доирасида ташкил этилган тадбирда талабалар, ўқитувчилар, йўл-патрул хизмати ходимлари иштирок этишди.

● **ЎТГАН** куни Тошкент Фотосуратлар уйида «Тошкент кўзгусида қишлоқ ҳаёти» мавзуида ҳаваскор фотосуратчиларнинг III анъанавий республика кўргазмаси очилди.

● **ЎТГАН** куни шаҳримиздаги 51-оилавий поликлиникада «Шаҳримиз аёллари ва болалари соғ бўлсин» шиори доирасида ўтказилган «Балли қизлар» кўрик-танлови эзгулик айёми Наврўз ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланди.

● **МИРЗО** Улуғбек туман ўқувчилар ижодиёти маркази ташаббуси билан туман мактаблари ўқувчилари ўртасида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб «Шеърият кечаси» тадбири ўтказилди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонасида «Наврўзинг муборак, Ўзбекистоним!» мавзуида ўтказилган адабий мусиқий кечада кутубхона аъзолари, Успенский номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейи ўқувчилари иштирок этишди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*





*Кўргазмалар*

## ЭНГ ЯНГИ ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРОНИКА ТЕХНИКАЛАРИ НАМОЙИШИ

**«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА «UZBEKISTAN-ENERGUWEEK-2009» ТЎРТИНЧИ ХАЛҚАРО ЎЗБЕКИСТОН ИХТИСОСЛАШГАН ЭНЕРГЕТИКА КЎРГАЗМАСИ УЧ КУН ДАВОМИДА ҚИЗҒИН ИШ ЮРИТДИ. МАЗКУР ТАДБИРНИ «IEG UZBEKISTAN» КОМПАНИЯСИ «ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ЭНЕРГЕТИКА ВА АВТОМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲАМДА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕР АГЕНТЛИГИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИШДИ.**

Мустақиллигимиз шарофати билан давлатимиз томонидан барча соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар иқтисодиётнинг кўплаб тармоқлари, хусусан, энергетика саноатининг янада ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Юртимизда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янгидан-янги қувватларни ишга тушириш борасида салмоқли ютуқларга эришилди. Энергетика тизимини модернизация қилишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида хорижий инвестициялар жалб этиш режалари бажарилмоқда. «2012 йилгача электр энергетика тармоғини модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлаш» дастурига асосан энергияни тежаш, ёнилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, энергия ишлаб чиқаришга энг янги, замонавий технологияларни жорий этиш, қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш ва соҳада халқаро ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлар қилинмоқда.

«Uzbekistan-energuweek-2009» кўргазмасида Россия, Қозоғистон ҳамда Германия, Хитой давлатлари билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхона, ташкилот, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари фаол қатнашди. Улар орасида «СПИРАКС САРКО (Россия), «Харковэнергоприбор», «ВАЛОН-А» масъулияти чекланган жамиятлари (Украина), «Чирчиқ Шанхай-пласт» МЧЖ (Ўзбекистон-Хитой), «LIK ASIA PLUS» МЧЖ шаклидаги Россия — Қозоғистон қўшма корхонаси, «Тошкент — Зеннер» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси каби дунёга машҳур компаниялар ўз маҳсулотлари ҳамда хизматларини муҳташам кўргазмалар павильонининг ёркин стендларида намойиш қилишди.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимиз, масалан, «Ўзбеккимёмаш заводи» очиқ акциядорлик жамияти, «Тошкенттрансэнерго» савдо ишлаб чиқариш корхонаси, «Востокэнергия», «Декэлектро», «Энерготемаш-инвест» масъулияти чекланган жамиятлари, «Азияэлектрэнергия», «ELSTAN», «ELUS» илмий ишлаб чиқариш компанияларининг стендлари тадбирга ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли. Жорий йилдаги ихтисослашган кўргазма экспозицияси сезиларли кенгайтирилган ва учта асосий йўналишни ўз ичига олган: «Энергетика», «Соф энергия. Энергия тежамкорлиги», «Ўзэлектрэнерго».



«Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси тасарруфида бугунги кунга келиб 53 та корхона ва ташкилот, жумладан 39 та очиқ акциядорлик жамияти, 11 та унитар корхона, 2 та масъулияти чекланган жамияти ҳамда компаниянинг «Энергосотиш» филиали самарали фаолият юритяпти. Республика халқ хўжалигини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш, юртимиз электроэнергетикасини барқарор ва самарали ривожлантириш учун қулай шароитларни яратиш мақсадида «Ўзбекэнерго» ДАК тизимида 2010 йилгача бўлган даврда ишлаб чиқарувчи қувватларни ривожлантириш ва реконструкция қилиш дастури асосида иш юритиб, бу соҳада қўлга киритган ютуқлари кўргазмага қўйилган стендларда яққол акс этганлигининг гувоҳи бўлдик. Юртимизда тадбиркорликнинг равнақига қаратилган эътибор, қулай шарт-шароит ҳамда ҳуқуқий ҳимоя туфайли халқаро талабларга мос маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар йўлга қўйилмоқда.

— Ишлаб чиқараётган ускуналаримиз, — дейди «Энерготежашинвест» масъулияти чекланган жамияти техник директори Марат Шамиев, — энергияни тежашга мўлжалланганлиги билан иқтисодиётимизда алоҳида ўрин тутмоқда. Электр энергиясидан фойдаланишга йилда 40 фоиз сарф-харажат (ўрта ҳисобда) ошишини ҳисобга олганда «Тошкент сув таъминоти» корхоналарининг бизнинг ускуналар орқали ўзида электр энергияни 65 фоиз тежаш имконини бераётганини мутахассисларимизга берилган муносиб баҳо, дея эътироф этсак бўлади...

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

ОДИЛ МУҲАММАД АБДУРАСУЛ ҲАСАН ҲАЁТ:

## ЎЗБЕКИСТОН — УЛКАН ИМКОНИЯТЛАРГА ЭГА МАМЛАКАТ

**НАВРЎЗ БАЙРАМИ АРАФАСИДА ЎЗА МУХБИРИ КУВАЙТ ДАВЛАТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ОДИЛ МУҲАММАД АБДУРАСУЛ ҲАСАН ҲАЁТ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ.**

**— Элчи жаноблари, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ўзаро дўстлик, ҳурмат ва ишонч тамойилларига асосланган. Ўзаро алоқаларнинг бугунги юксак даражага етишида икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар муҳим омил бўлмоқда. 2004 йил январь ойида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Кувайтга расмий ташриф буюрди. Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ 2008 йил июль ойида Ўзбекистонга расмий ташриф билан келди. Ушбу ташрифлар асносида икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлайдиган қатор ҳужжатлар имзоланди. Улар орасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қочишга оид ҳужжатлар бор.

Ўзбекистон – Марказий Осиёдаги энг муҳим давлат. Шу боис Кувайт ўзининг ушбу минтақадаги ягона элчихонасини 2001 йили айнан Ўзбекистонда очди.

Ўзбекистон табиий ресурсларга бой. Жумладан, энергетика соҳасида ҳам улкан имкониятларга эга. Икки томонлама муносабатларда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик муҳим ўрин тутади. Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси билан биргаликда қатор лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалга оширилди ва оширилмоқда.

**— Суҳбатимиз Наврўз арафасида ўтмоқда. Ўзбекистонда миллий қадриятларга эътибор ҳақида фикрингиз?**

— Юртингизда Наврўз айёми катта тантана билан нишонланиши гўзал анъанадир. Бу ажиб ва муқаддас замин яшил либосга бурканиб, ўзининг бетакрор кўрку жамолини намоён қилаётган, баҳор нафаси уфуриб турган кунларда шундай ажойиб байрамнинг нишонланишида катта маъно бор. Гўзаллик ва нафосат, мурувват ва саховат тимсоли саналмиш ушбу айёмни барча орзиқиб кутади. Бир неча йилдан буён ана шу қадрли байрамни халқингиз билан биргаликда нишонлаб келаётганимдан жуда бахтиёрман.

Ўзбек халқининг урф-одатларига, асрлар оша сайқалланиб келаётган миллий қадрият ва анъаналарига ҳурматим чексиз. Мамлакатингизда миллий ва маънавий қадриятларни тиклаш, чуқур ўрганиш, ривожлантириш ҳамда тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли эзгу ишлар эътиборга сазовор.

Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида маданий ёдгорликларни, тарихий обидаларни, муқаддас қадамжоларни асраб-авайлаш, таъмирлаш, ободонлаштириш ва келгуси авлодларга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли хайрли ишлар ҳар қандай кишини ҳайратлантиради. Мен Марғилон шаҳрининг юбилейига бағишланган шодиёналарда иштирок этиш бахтига мушарраф бўлганман. Айни дамда юртингизда қадим ва навқирон Тошкентнинг 2200 йиллик тўйини кенг нишонлашга катта тайёргарлик кўрилаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Шарқ дарвозаси саналмиш ушбу муаззам шаҳарда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари таҳсинга лойиқ. Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган азим ва мафтункор Тошкент ўзининг бой тарихи, меъморий обидалари, муқаддас қадамжолари ва маданий ёдгорликлари, маҳобатли иншоотлари ва ҳар қадамда тараққиёт уфуриб турган замини билан миллионлаб хорижликлар учун ҳам азиз бўлиб қолаверади.

**ЎзА мухбири**
**Ирода УМАРОВА**
**суҳбатлашди.**

